

Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазирининг
20__ йил ____ ____ даги
_____-сонли буйруғига
_____-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
Концерт-томоша муассасаларини ривожлантириш
бошқармаси раҳбар-ҳодимларининг
ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Концерт-томоша муассасаларини ривожлантириш бошқармаси – бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва бошқарманинг бош мутахассисларидан (кейинги ўринларда “бошқарма ходимлари” деб юритилади) иборат.

2. Бошқарма ходимлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликнинг буйруқлари ва Ҳайъати қарорлари ҳамда вазирлик фаолиятига оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ўзлаштириб боради, уларга амал қилади.

3. Бошқарма ходимлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг Концерт-томоша муассасаларини ривожлантириш бошқармаси тўғрисидаги низом талаблари ҳамда Маданият вазири томонидан тасдиқланган Концерт-томоша муассасаларини ривожлантириш бошқармаси ходимлари ўртасидаги иш (вазифалар) тақсимоти ва мазкур лавозим йўриқномасига амал қилган ҳолда иш олиб боради.

II. Бошқарма бошлиғининг вазифалари ва функциялари

4. Бошқарма бошлиғи вазирлик марказий аппарати тасарруфдаги Концерт-томоша муассасаларини ривожлантиришга оид ишларини мувофиқлаштиради ва ташкил қилади.

5. Бошқармага малака талабларига жавоб берадиган, билимли ва малакали ходимларни жалб этади ва уларнинг иш фаолияти устидан назорат қилади.

6. Бошқарма ходимлари меҳнатини тўғри ташкил этиб, бошқармага юклатилган вазифаларни бошқарма ходимлари ўртасида тақсимлайди ва уларни бажаришлари устидан назорат қилади.

7. Бошқарма бошлиғи лавозимига олий маълумотга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс тайинланади.

8. Вазирлик марказий аппарати бошқармалари ва республика ташкилотларининг тегишли ҳужжатлари ва маълумотларини қабул қилади, умумлаштиради ҳамда ваколат доирасида соҳасига оид ишларни амалга оширилишини назорат қилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Маданият вазирлигининг Ҳайъат йиғилиши қарорлари, буйруғи ва раҳбарият кўрсатмаларини бошқарма ходимлари ва бошқарма тасарруфидаги ташкилотлар томонидан бажарилишини, ишни самарали ташкил қилинишини, меҳнат ва ижро интизомларига амал қилинишини назорат қилади.

10. Соҳани ривожлантириш, такомиллаштириш борасида тавсиялар ва аниқ таклифлар тайёрлайди.

11. Жойларда бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўрганишларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уларда иштирок этади ҳамда амалий ёрдам кўрсатади.

12. Вазирлик раҳбарияти топшириғига кўра давлат идораларида, жамоат ташкилотларида вазирлик номидан иш юритади.

13. Бошқарма ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритади.

14. Вазирлик раҳбариятига бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, хизмат бурчини ўтишдаги камчиликлари учун маъмурий чоралар кўриш, ишга қабул қилинадиган бошқарма ходимлари номзодлари бўйича таклифлар киритади.

15. “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Ёш мақом ижрочилари”, М.Турғунбоева номидаги “Тановар” миллий рақс ижрочилари Республика кўрик-танловлари, “Баҳор нафаси” халқаро санъат фестивали ва бошқа кўрик-танлов ҳамда фестивалларни ташкил этиш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштиради.

16. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, концерт-томоша муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, шунингдек, бошқарма ходимларини моддий рағбатлантириш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритади.

17. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга аширади.

II. Бошқарма бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

18. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва тизимдаги ташкилотлар ходимларидан керак бўлган барча маълумот, ҳужжатлар ва тушунтиришларни ёзма, оғзаки, электрон шаклда талаб қилиб олади.

19. Бошқарма ходимларини режали ҳамда режадан ташқари ҳолда вазирлик раҳбариятини огоҳлантириб хизмат сафарларига юборади.

20. Бошқарма ходимларини рағбатлантириш ва интизомий чора кўриш бўйича таклифлар киритади.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга

бўлиши мумкин.

21. Бошқарма бошлиғи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирнинг буйруқлари, топшириқлари ва кўрсатмаларига ҳамда мазкур лавозим йўриқномасига амал қилади.

22. Бошқарманинг йиллик иш режасини ишлаб чиқади.

23. Вазирлик раҳбариятига ҳамда умумлаштириш учун Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармасига киритиладиган таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботларда келтирилган рақамлар ҳамда ахборотларни тўғрилигига жавобгардир.

24. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида кўриб чиқилишига бевосита жавоб беради.

25. Жойларда бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўрганишлар ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уларда иштирок этади ҳамда амалий ёрдам кўрсатади.

26. Бошқарма ваколоти доирасига кирувчи масалалар бўйича вазирликка кирувчи ҳужжатларни кўриб чиқади, чиқувчи ҳужжатларни ва ўз йўналиши бўйича тайёрланган материалларни имзолайди.

27. Вазирлик буйруғини талаб этмайдиган, ўз ваколоти доирасидаги ҳужжатларни тегишли ташкилот ва бошқармаларга кўриб чиқиш учун жўнатади.

28. Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва ишнинг ташкиллаштирилишини назорат қилади.

29. Бошқарманинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади тасдиқлаш учун вазирга киритади.

30. Иш давомида ёзув қоғозидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланади.

31. Бошқарма ходимларининг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади.

32. Бошқарма таркибини ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, бошқарма фаолиятига оид муҳим масалалар ҳақида вазирга мунтазам равишда ахборот беради.

33. Ходимларнинг ички меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя этишларини назорат қилади.

34. Бошқарма ходимларига юклатилган вазифаларни мувофиқлаштириб боради.

35. Раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради.

36. Жамоа ва меҳнат шартномалари шартларига амал қилади.

37. Ички меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилади.

38. Мазкур лавозим йўриқномасида баён қилинган зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради.

39. Ўз билимларини доимо такомиллаштириб, соҳага оид қабул-қилинаётган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўрганиб боради.

40. Вазирликнинг аппарат мажлислари ва Ҳайъат йиғилишларида иштирок этади.

41. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

42. Бошқарма бошлиғи ўзига юкланган лавозим мажбуриятлари тўлақонли бажарилиши учун жавоб беради.

43. Фойдаланиш учун ўзига топширилган мебель, хона жиҳозлари, ташкилий ва маиший техникадан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларни бут сақланишига масъулдир.

44. Ўзи иш олиб борадиган хонада ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайди.

45. Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда бошқармада ҳужжатлар билан ишлаш, уларни белгиланган тартибда сақланишини таъминлашга шахсан жавоб беради.

46. Бошқарманинг ҳисоботларда келтирилган рақамлар ва ахборотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

47. Мазкур лавозим йўриқномаси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

III. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг вазифалари ва функциялари

48. Бошқарма бошлиғи ўринбосари бевосита бошқарма бошлиғига бўйсунди.

49. Бошқарма бошлиғи бўлмаганда, унинг вазифасини бажаради.

50. Бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига олий маълумотга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс тайинланади.

51. Бошқарма бошлиғи ўринбосари вазирлик марказий аппарати тасарруфидаги Концерт-томоша муассасаларини ривожлантиришга оид ишларни мувофиқлаштиради ва ташкил қилади.

52. Ижодий жамоалар ва яккахон ижрочиларнинг репертуарлари ва концерт-томоша фаолиятини ўрганади, таҳлилий хулосалар тайёрлайди, ижодий ишларни ташкил этилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатади.

53. Вазирлик тасарруфидаги концерт-томоша муассасалари ишларини назорат қилади, мувофиқлаштиради, шарт-шароити ҳақида таҳлилий маълумотлар, билдиришномалар тайёрлайди ва уларни бошқарма бошлиғига тақдим этади.

54. Фукаролар мурожаатларини ўрганиб чиқади ва ижросини таъминлайди.

55. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ чораклик, йиллик ва бошқа ҳисоботларни тайёрлайди.

56. Жойларда бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича ўрганишларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва уларда иштирок этади ҳамда амалий ёрдам кўрсатади.

57. Бошқарманинг иш режаси ва тақвим режаси лойиҳаларини ишлаб чиқади.

58. Худудий бошқармалар ва республика ташкилотларининг тегишли ҳужжатлари ва маълумотларини қабул қилади, умумлаштиради ҳамда ваколат доирасида соҳага оид ишларни амалга оширилишини назорат қилади.

59. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифа ва функцияларни амалга аширади.

IV. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

60. Соҳани ривожлантириш, такомиллаштириш борасида тавсиялар ва аниқ таклифлар тайёрлайди.

61. Чет элларда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда иштирок этиш учун хизмат сафарларига маданият ва санъат намоёндалари (хонанда, созанда, раққоса, опера хонандалари в.б.) ни тавсия этади.

62. Энг сара ижод маҳсулларини танлаб олади ва оммавий-маданий тадбирларда фойдаланиш учун тавсия этади.

63. Раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради.

64. Жамоа ва меҳнат шартномалари шартларига амал қилади.

65. Ички меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилади.

66. Бошқарма бошлиғи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

67. Иш давомида ёзув қоғозидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланади.

68. Ўз билимларини доимо такомиллаштириб, соҳага оид қабул қилинаётган янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўрганиб боради.

69. Бошқарма бошлиғи ўринбосари ўзига юкланган лавозим вазифаларини тўлақонли бажарилиши учун жавоб беради.

70. Фойдаланиш учун ўзига топширилган мебель, хона жиҳозлари, ташкилий ва маиший техникадан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларни бут сақланишига масъулдир.

71. Ўзи иш олиб борадиган хонада ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайди.

V. Бош мутахассис вазифалари ва функциялари

72. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича бошқарма бошлиғи ҳамда унинг ўринбосари топшириқларини бажаради.

73. Бош мутахассис вазирлик марказий аппарати тасарруфидаги Концерт-томоша муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга амалий ёрдам кўрсатади.

74. Бошқарма бош мутахассиси лавозимига олий маълумотга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс тайинланади.

75. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирилиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармаси тасарруфидаги (бундан буён матнда худудлар деб юритилади) концерт-томоша муассасаларини ривожлантиришга соҳасига оид ишларини мувофиқлаштиради ва ташкил қилади.

76. Концерт-томоша муассасалари ва ижодий жамоалар ишларининг ҳолати ҳақида таҳлилий маълумотлар, билдиришномалар тайёрлайди ва уларни бошқарма бошлиғига тақдим этади

77. Бошқарма томонидан ташкил этиладиган тадбирлар дастурларини тайёрлашда қатнашади, тегишли муассасалар бадий кенгашлари фаолиятлари тўғрисида маълумотларни умумлаштиради.

78. Бошқармага келиб тушувчи ва бошқармадан чиқувчи ҳужжатлар ҳисобини юритади.

79. Тегишлилиги бўйича республикада ўтказиладиган маданий тадбирларни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича зарур меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади.

80. Вазирликнинг концерт-томоша муассасалари ва ижодий жамоларни етук мутахассисларга бўлган талабларини ўрганиб чиқади ҳамда улар юзасидан маълумот тайёрлайди.

81. Давлат мукофотига тавсия этилаётган маданият соҳаси намояндаларининг ҳужжатларини ўрнатилган тартибда, талаб даражасида тайёрланишини таъминлайди.

82. Бошқарма фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича бошқарма бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарининг топшириқларини бажаради.

83. “Ягонасан, муқаддас Ватан!”, “Ёш мақом ижрочилари”, М.Турғунбоева номидаги “Тановар” миллий рақс ижрочилари Республика кўрик-танловлари, “Баҳор нафаси” халқаро санъат фестивали ва бошқа кўрик-танлов ҳамда фестиваллар совриндорларининг мониторингини юритади.

84. Фуқаролар мурожаатларини ўрганиб чиқади ва ижросини таъминлайди.

85. Худудларга оид буйруқлар, топшириқ ва хабарномаларни ижрочиларга етказилишини ва ижроси юзасидан назорат қилади ҳамда худудлардан маълумотлар олади.

86. Бошқарманинг барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва йиғилиш қарорлари лойиҳасини тайёрлайди.

87. Бошқарма томонидан ўтказиладиган барча тадбирларнинг ташкилий ишларини (*диплом, баннер, гул, совга, статуэткалар тайёрлаш*) ташкиллаштиради.

VI. Бош мутахассисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

88. Бошқарма бош мутахассиси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вазирнинг буйруқлари, топшириқлари, кўрсатмалари ҳамда мазкур лавозим йўриқномасига амал қилади.

89. Раҳбарият топшириғига асосан хизмат сафарларига боради.

90. Жамоа ва меҳнат шартномалари шартларига амал қилади.

91. Ички меҳнат тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси қоидалари талабларига риоя қилади.

92. Ижро интизоми ва иш юритишда масъул ҳисобланади.

93. Бошқарма бош мутахассиси ўзига юкланган лавозим вазифаларини тўлақонли бажарилиши учун жавоб беради.

94. Фойдаланиш учун ўзига топширилган мебель, хона жиҳозлари, ташкилий ва маиший техникадан оқилона фойдаланилиши ҳамда уларни бут сақланишига масъулдир.

95. Ўзи иш олиб борадиган хонада ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайди.

96. Мазкур лавозим йўриқномаси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

VII. Яқуний қоидалар

97. Мазкур лавозим йўриқномада Бошқарма ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг сифатли ва белгиланган муддатларда бажармаганлиги, ижро интизоми ва ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилмаслиги, хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги, вазирликнинг моддий бойликларига зарар етказганлиги, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда вазирликнинг идоравий норматив ҳужжатларида белгиланган расмий ҳужжатларнинг махфийлигини таъминламагани учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилади.

98. Мазкур лавозим йўриқномасига қонун ҳужжатлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.